

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилган қатор қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

• Тошкентда «Радиочастота спектри ва йўлдошли орбиталардан фойдаланишни халқаро миқёсда бошқариш» мавзuida қўшма семинар ўз ишینی бошлади. Ушбу тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқаро электралоқа иттифоқи, Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилмоқда. 25 июнга қадар давом этадиган тадбирда мамлакатимиздан ташқари Озарбойжон, Қозоғистон, Латвия, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина ҳамда Беларусь давлатларидан мутахассис ва экспертлар қатнашмоқда.

• Нукусда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда голибликни қўлга киритган 16 та таълим муассасаси ҳарбий таълим бўйича ўз имконият ва тажрибаларини намойиш этди.

• Ўзбекистон Бадиий академияси марказий залида «Тасвирларда она-Ватан» номили кўргазма очилди. Кўргазмада Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари, ўқитувчилари тақдим этган манзара, натюрморт, портрет каби жанрларда яратилган асарлар намойиш қилинмоқда.

• Самарқанд вилояти пиллакорлари жорий мавсумда 53 минг қути ипак курти парваришлаб, 2650 тонна сифатли пилла тайёрлади. Мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва етиштирилган хомашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот экспорт қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

• Маргилон шаҳар бандлик маркази ва «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими ҳамкорлигида Жўраҳон Султонов номидаги маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этишди. Унда 45 та корхона ва ташкилот ўзидаги бўш иш ўринлари билан қатнашди.

• Фаргона шаҳрида кейинги икки йил ичида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида юздан ортиқ янги бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Уларда компьютер, интернет, нусха кўчириш, овқатланиш, гўзаллик салони каби ўттиздан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати йўлга қўйилган.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқининг Брюсселда бўлиб ўтган мажлисида ташкилотга аъзо 27 та давлат бошлиқлари ва ҳукуматлар раҳбарлари Эстониянинг келгуси йил 1 январдан бошлаб евро пул бирлигига ўтиши ҳамда Исландияни Европа Иттифоқи аъзолликка қабул қилиш юзасидан музокараларни бошлаш масаласини маъқулладилар.

• Бугун Испания парламентида меҳнат бозори ислоҳоти дастурини депутатлар муҳокамадан ўтказдилар. Таъкидлаш жоизки, мамлакат касаба уюшмалари томонидан ушбу дастур қўллаб-қувватланмапти.

• Россиянинг «Газпром» компанияси Беларуссиянинг «Белтрансгаз» ташкилоти қарзининг 192 миллион доллардан ошиб кетганлиги сабабли Беларуссияга ўтказилаётган газ ҳажмини 15 фоизга пасаитирди. Россия томони агар қарзлар ўз вақтида тўланмаса ушбу кўрсаткичнинг 85 фоизга ошадирилишини билдирди. Бундан Россия газининг 25 фоизини транзит орқали оладиган Европа Иттифоқи хавотирга тушди.

• Конгода Австралия тоғ-кон компанияси раҳбариятини олиб кетаётганда ҳалокатга учраган энгил самолёт қолдиқлари топилди. Маълум бўлишича, самолётнинг барча 11 нафар экипаж аъзолари ва йўловчилари ҳаётдан қўз юмган.

• Германиянинг «Брауншвейг-Ганновер» йўналишида юк ташувчи ва йўловчи поезд ўзаро тўқнашиб кетди. Ушбу ҳалокатга юк ташувчи поезд машинистининг йўлни адаштириб юборганлиги ва йўловчи поезд келаётган томонга чиқиб кетганлиги сабаб бўлди. Тўқнашув оқибатида 20 га яқин киши энгил тан жароҳатлари олди.

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (11.681)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ, ОФИЦЕРЛАР!

Мамлакатимиз олий ҳарбий билим юр்தларининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонлари топширилди.



Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва кам сонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат котиби, Бундестаг депутати Кристоф Бергнер билан учрашув бўлди.

GERMANYA ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар барча миллат ва элатлар вакилларининг аҳил-иноқ яшаётганини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатланганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир юз эллика яқин миллий-маданий марказлар турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз тарихини ўрганиш, тилини, маданиятини ва санъати, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қўмақлашишга катта ҳисса қўшаётди. Байналмилал маданият маркази ҳузурида ташкил этилган немис маданият маркази Бухоро, Самарқанд ва Фаргона вилоятларида ҳам ўз бўлимларига эга.

К.Бергнер Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, тотувлик, бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Ўзбекистонда барча миллатлар вакиллари тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, — деди ЎЗА муҳбирига К.Бергнер. — Жумладан, немис миллатига мансуб аҳолига кўрсатилган эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятидан гоё миннатдоримиз. Байналмилал маданият маркази ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар бундан бундан ҳам барча соҳаларда тараққий этаверишига ишонамиз.

Ўзбекистонда туғилиб, шу гўзал дийрда яшаётганимдан жуда бахтиёрман, — дейди немис маданият маркази Фаргона вилояти бўлими бадиий раҳбари Вера Клейн. — Фаргона педагогика институтини тамомлаб, қарийб қирқ йил давомида мактабда ишладим. Ватанимиз — Ўзбекистонда ўтадиган барча байрамларда марказимиз жамоаси билан мунтазам иштирок этиб, ўз санъатимизни намойиш этиб келамиз.

Ирода УМАРОВА

Шу муносабат билан олий ҳарбий билим юр்தларида ўтказилган тантанали тадбирларда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Куролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида замон талаблари даражасида билимли ва юқори тайёргарликка эга малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар, олий ҳарбий билим юр்தлари моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртини битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирда қатнашган жамоатчилик вакиллари, ота-оналар бунга яна бир бор эътироф этдилар. Сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. — Фарзандининг камоллини кўриш, эл-юртимиз корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг орзуси, — дейди самарқандлик У.Қаршиев. — Ўғлим Нуриддинни Ватан ҳимоячилари сафида кўриб турганимдан жуда хурсандман. У мазкур билим юртида ўқиш жараёнида бақувват, матонатли,

фикрлари тинч ва қатъиятли йигитга айланди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида автомобиль бўлиналари тактик кўмондонлиги, муҳандислик қўшинлари тактик кўмондонлиги, фронторти таъминоти тактик кўмондонлиги каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. — Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди учқўрғонлик Шерзод Маматхонов. — Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, кўмондонлик тавсияномаси асосида мазкур билим юртига ўқишга кирдим. Бу ердаги ўқув ва тактик-амалий машғулотлар чинакам офицер бўлиш, зиммамиздаги бурч ва масъулиятни теран англашга ўргатди. Орзуим — Ватанимга сидқидилдан хизмат қилиш. Пойтахтимиздаги «Ша-

хидлар хотираси» майдонида Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультет битирувчиларига дипломлар топширилди. — Бугун орзуим ушалиб, офицерлик либосини кийиб турганимдан хурсандман, — дейди мазкур факультет битирувчиси, лейтенант И.Қўшаев. — Ниятим устозларимиздан олган билимни элу юртинимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида сафарбар этишдир.

Ғолиб ХАСАНОВ, Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА муҳбирлари. СУРАТДА: Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртини битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирдан лавҳа. Аскар Ёкубов (ЎЗА) олган сурат.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, мамлакатимиз олий таълим муассасалари билан Перлис университети ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONDA

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг Перлис штати ворис шаҳзадаси, Перлисдаги Малайзия университети раиси Туанку Сайид Файзулдин Путра Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ходиев билан учрашди.

масалалар юзасидан фикр алмашилди. — Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас

қилса арзигулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди ЎЗА муҳбирига малайзиялик меҳмон. — Мамлакатингизда таълим соҳасида амалга

ришга хизмат қилди. Ўзбекистон билан таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истигадимиз. Меҳмонлар пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирди. Бу ерда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. **Мадина УМАРОВА**

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА**
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидин.

✓ **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаблар қошидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болалар учун «Куч — билим ва тафаккурда» шiori остида фестивал бўлиб ўтди.

✓ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида ўтказилган «Ўзбекистон — Шарқ дурдонаси» мавзусидаги давра суҳбатиди италиялик меҳмонлар ҳамда «Шарқ аёли» жамоат жамғармаси вакиллари иштирок этди.

✓ **ЯҚИНДА** ташкил топган «Сулала» гуруҳи томонидан санъат ихлосмандларига «Жаҳон халқлари мусиқа садолари остида» деб номланган илк концерт дастури намойиш этилди.

✓ **КЕЧА** 249-мактаб қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

ТАДБИРКОР

Замон талаблари асосида изланиб, ички ва ташқи бозорни ҳар томонлама ўрганиш асосида харидор дидига мос, эҳтиёжга яраша маҳсулот тайёрлаётган жамоалар орасида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Kland Kop Sharq» хусусий корхонасининг муносиб ўрни бор.




Интилганга толе ёр ХАРИДОР ДИДИГА МОС

Албатта, аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор ўз бизнесини ташкил этишни ният қилган, юртимизда ҳам хориждан келтириладиган товарлардан асло қолишмайди маҳсулот тайёрлаш истаги бўлган ишбилармонларни изланишга ундади. Бугунги кунда эса уларнинг изланишлари самара бериб, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотлар ички бозордагина эмас, балки хорижда ҳам ўрин топмоқда, рақобатбардош товарларга чет элдан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Кайд этилган хусусий корхонада ҳам маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда тайёрланаётган хилма-хил либослар, эркалар, аёллар ва болалар устки кийим-кечаклари ҳам замонавийлиги, юсак дизайни билан харидорини топаётганини айтиб ўтиш жоиз. Корхонада терини қайта ишлаб, ундан бугунги талабларга мос товарлар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар маъхуд.

— Биз, тадбиркорлар учун яратилган имконият-

лардан фойдаланган ҳолда цехларимизни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаганмиз, — дейди корхона раҳбари Абдукарим Абдурахмо-



нов. — Терини ошлашдан тортиб, тайёр маҳсулотни бозорга етказиб беришгача бўлган ишларнинг барчасини ўзимиз бажарамиз. Яқинда Хитой давлатидан терини қайта ишлашга мўлжалланган янги дастгоҳ келтирдик. Маркетинг ишларини ҳам яхши йўлга қўйганмиз,

ички ва ташқи бозорни тинмай ўрганиб борамиз. Бунинг натижаси эса дизайнер-модельерларимиз изланишлари самарасида ёрқин аксини топмоқда. Айниқса, ўтган йилларда тери ҳамда мўйнани уйғунлаштирган ҳолда тайёрлаган устки кийимларимиз харидорларга

маҳсулот турлари 60 хилдан зиёдни ташкил этади. Ўтган йилдан бошлаб маҳаллий хом ашёдан трикотаж кийим-кечакларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Жорий йил бошида илловларда маҳсулотларимиз намайиши билан иштирок этиб, кўплаб ҳамкорлар орттираяпмиз, фойдаланиш шартномалар туза япмиз. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг фаол иштирокчилариданмиз. Албатта, кўрик-танловда янгиликларимиз билан қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олганмиз.

Корхонада ишчи ўринлари ҳам кўпайиб бормоқда. Хозирда 20 нафардан зиёд малакали мутахассис жамланган мазкур жамоада

маҳсулот турлари 60 хилдан зиёдни ташкил этади. Ўтган йилдан бошлаб маҳаллий хом ашёдан трикотаж кийим-кечакларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Жорий йил бошида илловларда маҳсулотларимиз намайиши билан иштирок этиб, кўплаб ҳамкорлар орттираяпмиз, фойдаланиш шартномалар туза япмиз. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг фаол иштирокчилариданмиз. Албатта, кўрик-танловда янгиликларимиз билан қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олганмиз.

Келгусида имкониятларни ишга солган ҳолда корхонани кенгайтириш кўзда тутилган. Ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириб, рақобатбардошлигини ошириш, шунинг баробарида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам асосий режалар сирасига киритилган. Бугунги саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадларнинг амалга ошиши йўлида олиб борилмоқда.

КАСБ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Уч кун давом этган тадбирда абитуриентларга институтдаги ўқув жараёнлари ва таълим йўналишлари ҳақида малакали ўқитувчилар томонидан батафсил маълумот берилди.

Мазкур институт Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 6 майдаги фармонида биноан ташкил этилган. Архитектура, қурилишни бошқариш, бино ва иншоотлар қурилиши, муҳандислик сервис каби тўртта факультетда ўн олти таълим йўналиши бўйича бакалавр ва йигирма битта мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

— Таъриф ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда 2010-2011 ўқув йилида қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш ва қишлоқ қурилишни лойиҳалаш каби иккита янги бакалаврлик таълим йўналиши қўшилди, — дейди институт проректори Абдуқодир Тўлаганов. — Улар ҳисобига 90 та ўрин ажратилди, энди қўшимча 40 та талаба давлат гранти, 50 таси тўлов шартномаси асосида қабул қилинади. Бугунги кунда қишлоқларимиз чирой очиб бормоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқлар инфраструктураси тубдан яхшиланди, янги бино ва иншоотлар қад ростлади, албатта, бунда мутахассисларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Янги икки таълим йўналишининг қўшилиши келажакда бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада фоллашишига имкон беради.

Уч мингдан зиёд талаба таҳсил олаётган ушбу масканда мамлакатимизнинг кўрқига кўрк қўшадиган осмонўпар бинолар қуражак архитектор ва муҳандислар улғаймоқда. Институтда 249 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади. Деярли 248 минг нусха китоб фондига эга 70 ўринли ахборот-ресурс маркази талабалар ихтиёрида. Умумтехника ва махсус фанларни ўрганишда илгор педагогик технологияларни қўллаш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасида менежерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилган. Унда бинолар ва иншоотларни техник ҳолатини, конструкциясини кучайтириш, қайта қуриш ва кўчмас мулк объектларини баҳолаш йўналишлари бўйича экспертлар тайёрланади.

1996 йилдан институт қошида академик лицей фаолият бошлади. 542 нафар ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда математика, физика, она тили ва адабиёт фанлари чуқур ўргатилади. Институтда йигирмадан зиёд хорижий давлатнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Алмашиш дастури доирасида кўплаб иқтидорли талабалар мазкур таълим масканларида тажриба орттириди.

— Иқтисодий касб-хунар коллежини битириб, ўқишни шу даргоҳда давом эттириш ниятидаман, — деди Жаҳонгир Қосимов. — Пойтахтимиздаги чиройли биноларни кўриб, менда шу соҳага қизиқиш уйғонди. Мақсадим шаҳарсозлик йўналиши бўйича мутахассис бўлиш.

Тадбир иштирокчиларига университет фаолияти акс этган турли қўлланма ва тарқатма материаллар тақдим этилди.

«Туркистон-пресс»

Бозор ва харидор

ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

«Огнеурог» масъулияти чекланган жамияти Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди.

Бу, шубҳасиз, корхонада бозор иқтисодий талаблари асосида иш юритилаётгани, мутахассисларнинг маҳорат ва тажрибасини ишга солиб изланаётгани натижасидир. Ун йилдан буён фаолият олиб бораётган мазкур корхонада олов ва кислотабардош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, металлургия, кимё, нефть-газ саноатида кенг қўлланилади.

— Йилдан йилга ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига бугунги кунга келиб ишчи-хизматчиларимиз сони 150 нафардан зиёдни ташкил этмоқда, — дейди бош технолог Мурод Рахимов. — Россия, Украина, Германия сингари давлатларнинг дастгоҳ ва ускуналари асосида маҳаллий ва қисман чет эл хом ашёсидан фойдаланган ҳолда маҳсулотларимиз тури ва сифатини ошириб бораёпмиз. Хозирда 2,5 мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йил яқунлари бўйича тўхталиш жоиз бўлса, корхонада 7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Шу жумладан Тожикистон, Қозоғистон давлатларига экспорт ҳам қилинди.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш йўлида корхонада ўтган йилда тегишли ташкилий ишлар амалга оширилди. Цехлар техник ва технологик жиҳатдан замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Жорий йилда маҳаллий хом ашё асосида бир неча импорт ўринини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратилди. Умуман бу йили ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга ошириш белгиланган.

Асосий буюртмачилар Олмалик ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАҚ, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзимёсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниялари ҳисобланади. Уларнинг талаби вақтида қондирилиши мустақам алоқалар ва янги фойдаланиш шартномаларга замин яратмоқда.

Янги маҳсулотлар

ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИ

«Anand Toy» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ҳам бу борада энг яқин кўмакчи, десак асло янглишмаган бўламиз. Ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида фаолият бошлаган бу корхонада Россия ва Украинанинг илгор технологияларини қўллаган ҳолда етти хил ширинохор (кисель), икки турдаги кўймоқ тайёрлашга мўлжалланган унли аралашма, ёғи олинмаган курук сут ва хамир говаклаштиригич ишлаб чиқарилмоқда. Ярим тайёр маҳсулотлар қадоқланган бўлиб, истеъмолчи учун унинг

қандай тайёрлиниши кўрсатилган ва буни ҳар ким удралай олади. — Бугунги кунга келиб 20 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлашга ва малакасини оширишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона директори Расул Мусахонов. — Россиялик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда технологик линиялар келтириб, маҳсулот турларини ҳамда сифатини оширишга эришдик. Эндиликда улар Жиззаҳ, Навоий ва бошқа вилоятларда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Маҳсулотлар шарт-

нома асосида супермаркет ва бошқа савдо шохобчаларига етказиб берилади. Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани уларнинг бозорда ўз ўринини топаётганидан далолатдир. Ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажми 160 миллион сўмни ташкил этган бўлиб, жорий йил бошиданок 463 миллион сўмлик шартнома тузилди.

Маҳсулот турларини янада кўпайтириб бориш мақсадида яқин орада болалар учун бежирим қутиларда қақоқ ичимлиги аралашмасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланган.

Сўраш, жавоб берамиз

Кундалик ҳаётимизда барчамиз маиший хизматдан фойдаланамиз. Мен ҳам маиший хизмат кўрсатиш шохобчасига қўйлақ тиктириш учун буюртма берган эдим. Лекин уни олишга бормсам, қўйлақ менинг кўнглимдагидек тикилмапти. Бажарилган иш сифати умуман менга ёқмади. Истеъмолчи сифатида иш бажарув-

чига қандай талабларни қўйишим мумкин? Ёки менинг талабим тўла бажарилмаган бўлса ҳам буюртмани олишим керакми?

**Нигора Собирова,
Учтепа тумани**

Савдо, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш департаменти мутахассислари шарҳига кўра, истеъмолчи маиший хизмат кўрсатиш шохобчасига бирор буюм ёки мато бериб, улардан буюртмани сифатли бажаришни талаб қила олади. Чунки хизмат кўрсатувчи буюртманинг сифати, талабга мос бажари-

лиши ва сақланишига жавобгардир. Бажарувчи буюм ёки материалга зарар етказмасдан ишни эплай олмас, бу ҳақда миқоз-истеъмолчиға маълум қилиши ва тузилган шартномага тегишли белги ёзиб қўйиши керак. Агарда шундай қилинмаса, бажарувчи буюмга етказилган зарар ёки унинг йўқолиши учун «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида жавобгар бўлади. Савол муаллифи айтганидек, берган матодан кўнглига ёқадиган қўйлақ тикилмаса, унга

ўхшаш матодан янги қўйлақ тайёрлаб беришни талаб қилиш мумкин. Лекин буюртмачига аввал бузиб тикилган қўйлақни топшириш керак бўлади.

Буюртмачи миқознинг талабини рад этиб, ўз вақтида уни қондиришдан бош тортса, у ҳолда миқоз шартномани бузиш ҳуқуқига эга бўлади. Ана шундай вазиятда истеъмолчи пулни қайтариш ва хизматдаги камчилик тўғрисида етказилган зарарни қоплашни бажарувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Саҳифа Шарифа ИЛЁСОВА томонидан тайёрланди
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

2010 йил – Баркамол авлод йили

ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН БИРГА ЎТКАЗ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ёзни «Камолот» билан ўтказ» лойиҳаси доирасида ўқувчи-ёшларнинг таътилини мароқли ташкил этишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга шаҳарча ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган етти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар таклиф этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури- да назарда тутилган вазибалар ижросини таъминлаш ҳамда ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини сермазмун ва қизиқарли ўтказиш мақсадида спорт секциялари, компьютер курслари, хорижий тиллар, ракс, тикувчилик, пазандалик сингари ўндан зиёд янги тўғарақлар ташкил этилди. Ўқувчилар ўзи қизиққан соҳа бўйича

ушбу тўғарақларга қатнашиш учун йўлланма олдилар.

«Ёзни «Камолот» билан бирга ўтказ» лойиҳаси доирасида ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ҳам уюштирилади.

Тадбирда болалар ижросидаги бадий чиқишлар намойиш этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2010» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР ТАНЛОВИ

«Келажак овози» республика кўрик-танлови истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг илғор гоё ва ташаббусларини амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этаётди. Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш учун 7,5 минг нафар йигит-қиздан ариза тушди.

– Танловга «Замонавий интерьер дизайнида миллий ёндашув» лойиҳасини тақдим этдим, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Йўлдош Ҳайитов. – Унда биноларнинг ички қисмини безашда замонавий ва миллий санъ-

ат уйғунлиги муҳим ўрин тутди. Бундай танловлар ижодкор ёшларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида алоҳида аҳамиятга эга.

Кўрик-танловнинг пойтахт босқичида архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабий ижод ва публицистика йўналишида голиб бўлган ёшлар танловнинг республика босқичида иштирок этиш имконини қўлга киритди.

(ЎЗА)

ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан жорий йил юртимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ёшларимизни ҳар томонлама етук, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

маганлар ишлари бўйича комиссия ва шаҳар прокуратураси томонидан ташкил қилиб келинаётган «Мутахассислик – сенинг келажагинг» мавзусидаги касб кўргазмалари фикримиз далилидир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида яқинда ўтказилган шундай тадбирда 118 та академик лицей ва касб-хунар коллежи

180 дан зиёд йўналишдаги мутахассисликлари билан фаол иштирок этди. Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини, айниқса ёшларимизни ишончли ижтимоий ғимоя қилишда муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, айти пайтда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юр்தларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиш учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши даркор. Қувонарли томони шундаки, ёш авлод тарбияси учун 2010 йилги давлат бюджетининг 34 фоизи айти таълим тарбия соҳасига йўналтирилади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга 8 триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши ўғил-қизларимизнинг касб-хунарли бўлиши йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин намунаси, эзгу ниятларимиз ижобатидир.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази Яққасарой тумани бўлими раҳбари

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Мамлакатимизда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлод онги шуурида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улғуфазилатларни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётди.

Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аънавий ўтказиб келинаётган «Менинг маҳаллам тарихи» кўрик-танлови ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Шу кунларда танловнинг биринчи босқичи ўз ниҳоясига етмоқда.

– Танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар миллий қадриятларимиз ва аънаваларимизни тарғиб этиш, ҳар бир маҳалланинг ташкил топиши, номланиш тарихи, маҳалла ривожига ҳисса қўшган фидойи инсонларнинг ҳаёт йўли тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши лозим, – дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлими мудир Маллоҳат Раҳимова. – Уч шартдан иборат танловнинг илк шarti бўйича фуқаролар йигини ҳузурдаги ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти ва «оила-маҳалла-мактаб» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўлиқ маълумотлар жойлардаги ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади. Кейинги шартда иштирокчилар ўз маҳалласи тарихи, ҳудуднинг ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари ва аънаваларини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан иборат саҳна кўринишларини намойиш этиди. Учинчи шарт бўйича 9-синф ўқувчилари ўртасида иншолар танлови ўтказилади. Танловга ижодий ёндашган ҳолда маҳаллаларимизнинг ўзига хос аънава ва қадриятларини акс эттиришга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Танловнинг республика босқичи август ойида ўтказилади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ – ЮРТ РАВНАҚИ

Чилонзор туманидаги «Чарх Камолон» маҳалласида «Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тиклаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Чилонзор тумани тиббий бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда маҳалла аёллари иштирок этди.

Айтиб ўтиш жоизки, Мамлакатимиз Президентининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари самарадорлигини янада ошириш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маҳаллалар ва таълим масканлари мутахассислари билан ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Фарзанд парваришида она сўтининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

– Жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади, – деди «Туркистон-пресс» муҳбирига 36-оилавий поликлиника бош шифокори Лобар Зуфарова. – Аҳолининг тиббий маданиятини шакллантиришда, соғлом фарзандларни камолга етказишда оилавий поликлиникаларнинг алоҳида ўрни бор. Тумандаги оилавий поликлиникаларнинг бу борадаги фаолияти доимий равишда Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Давра суҳбатида соҳа мутахассислари ўсмирларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини тиклаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Азима ҚИЁСОВА

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши ёшлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги ишларни жонлантириш, уларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини оммавий ривожлантириш каби йўналишларда иш олиб боради. Шу тарзда турли мусобақаларни ташкил этган ҳолда ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Тошкент бирлашган техника мактабида узоқ йиллар давомида ушбу соҳа фахрийлари ва ёшлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам айнан шу мақсадлар йўлида ташкил этилгани билан эътиборга моликдир.

Тадбирда курсантлар ўз билим ва маҳоратини кўргазмали намойиш этди. Шунингдек, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасидаги ўқув жиҳозлари, авиаракетомоделизм, автоспорт, катинг, ўқ отиш, велоспорт каби спортнинг техник ва амалий турлари кўргазмаси ташкил этилди.

– Бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳа-

да амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёшларимиз камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатлардир, – деди «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши раиси З. Раҳматов. – Жорий йил Баркамол авлод йили деб номланиши ёшларимизни яратилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етиши йўлида иродаси мустаҳкам, мард, жасур бўлишга ундади, десак адашмаймиз.

Учрашув сўнггида фахрийларга ташкилотчилар томонидан эсдалик соғвалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИДА

Дунёда шундай бир гўша борки, бу илк бор қадам қўйиб, таълим-тарбия оладиган, болаликнинг беғубор, бахтиёр ва жўшқин палласида яйраб-яшнаб, камол топадиган қувноқлар масканидир. Ушбу масканда кичкинтойлар мактабга борганига қадар ўқиш, ёзишни, расм чизишни, шеър ёд олиш, қўшиқ айтиш, рақс тушишни, одоб-ахлоқни севимли ва меҳрибон мураббийларидан ўрганадилар.

Айни кунларда мактабгача таълим муассасаларида жажжи болажонларнинг боғча билан хайрлашув тадбирлари ўтказилмоқда. Шайхонтохур туманидаги «Гулбод жавоҳирлари» номли 343- мактабгача таълим муассасасида ҳам тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг «Унутилмас ширин дамларим» шиори остида боғча билан хайрлашув тадбири бўлиб ўтди.

Болажонлар кўзида чексиз қувонч. Улар эндиликда мактабга бориб, билим олиш иши юракдан ҳис этмоқда. Байрам тадбирида ҳам таълим муассасасида илк қадам қўйган даврларидан бошлаб то мактабга чиққунга қадар олган билим ва таълим-тарбия жараёнларини турли саҳна кўринишлари орқали намойиш этиб, қувноқ қўшиқлар ижро этишди, шўх рақс-



ларга тушиб, барчанинг диққатини жалб қилишди.

– Дарҳақиқат, мактабгача таълим муассасаси кичкинтойларни мактабга тайёрлайдиган, меҳр-муҳаббатга йўғрилган қувноқлар масканидир, – дейди таълим-тарбия мудири Ниғора Аскархўжаева. – Бу йил 70 нафар болажонни мактабга кузатяпмиз. Муассасамизда улар

ушбу барча шарт-шароитлар яратилган. Мақсадимиз, албатта, комил ёшларни тарбиялашдир. Болажонларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор қаратилаётди. Турли хил спорт ўйинларида жажжилар катта қизиқиш билан иштирок этмоқда. Шунингдек, турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, ҳаракатли ўйинлар жажжи ўғил-қизларнинг соғлом бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА:
343-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.
Козим Улмасов олган суратлар



Қадриятлари эъзоз топган юртнинг порлоқ келажаги

АМАЛИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МАҲОРАТНИ ТОБЛАЙДИ

Ёнғинларнинг олдини олиш, уларга сабаб бўлувчи ҳолатларни тезкорлик билан бартараф эта билишда шахсий таркибдан билим ва малака қай даражада талаб этилса, содир бўлган ёнғинни ҳам бартараф этишда касбий маҳорат шунчалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Билан беталафот бартараф этилиши учун эса биринчи навбатда ушбу соҳа вакилларининг жисмоний ва жанговар қобилияти, билим ва малакаси етарлича бўлиши керак. Экипаж ўз раҳбарининг кўрсатмаларини аниқ ва тезкор бажара олиши, сира адашмаслиги зарур.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг бўлажак мутахассислари амалиёт идоралари билан ҳамкорликда жанговар тактик машқ ва машғулотлар ўта-

шади, дейди кафедра бошлиғи полковник Равшан Қосимов. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳар жиҳатдан қулай шароитларга, имкониятларга ва барча техник воситаларга эгадир. Бу каби тадбирлар курсантларимиз келажакда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши, касб маҳоратини амалиёт ходимлари ёрдамида яна бир карра синовдан ўтказиши, қолаверса, уларда амалий тажрибани ошишида муҳим ўрин тутди. Амалий тактик

машқларга ёнғин ўчириш техник воситалари, зарур асбоб-ускуналар, замонавий ёнғин ўчириш автомобиллари жалб қилиниши билан бирга ёнғин ўчирувчилар томонидан вазибаларни аниқ ва пухта бажарилиши, ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш, воқеа жойига куч ва воситаларни юборилиши, очик қолган ҳудудларда ёнғинларни жиловлани таъминлаш каби кўникмалар ўзлаштирилади.

Албатта, ҳар қандай назарий билим амалиётда ўз самарасини берсагина, фойдалидир. Курсантлар машқларда маҳоратию тажрибасини ҳам тоблаш имкониятига эга бўлади, келгусида халқимиз мол-мулки ва турар-жойларни ўт балосидан асрашдек хайрли ишга салмоқли ҳисса қўшишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқтам ХОЛИҚОВ,
Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби мутахассиси, капитан,
Мухлиса МУҲИТДИНОВА

Ёшларга бўлган эътибор эртанги кунимиз учун муҳим пойдевор вазибаларини ўтади. Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар жараёнида ҳам етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби қошида курсантлар иштирокида ёнғин ўчириш тактик машқлари анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Айтайлик, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларидан биринчи ёнғин содир бўлиб қолди ва бу ҳақида диспетчерлик хизмати хабар келиб тушди. Шу заҳотиёқ навбатчи экипаж йўлга чиқади ва белгиланган манзилга етиб боради. Ёнғин содир бўлган хонадон шартли равишда бешинчи қаватда. Шубҳасиз, ёнғин ўчириш раҳбари ҳодиса жойидаёқ тезкорлик билан қандай ҳаракатланиш лозимлиги ҳақида аниқ қарорга келади ва экипажга кўрсатмалар бера бошлайди. Ёнғинни тезкорлик

Дастлаб майдонга «Европа Бразилияси» номини олган Португалия ҳамда Шимолий Корея терма жамоалари тушди. Маълумки, ушбу жамоалар жаҳон чемпионатларида фақат бир марта — 1966 йилда ўзаро баҳс юритган бўлиб, ўта кескин ва муросасиз учрашувда «Қора жавоҳир» Эйсебионинг юксак маҳоратию бетакрор тўплари эвазига дастлаб 3:0 ҳисобида ютказётган португалияликлар охири-охирида 5:3 ҳисобидаги қийин ғалабага эришганди. Бу галги ўйин эса бутунлай бошқача тарзда кечди. Учрашувнинг бошидан охиригача кучли ёмғир ёққан бўлса-да, Португалия терма жамоаси майдонда тўла устунликка эришиб, кетма-кет аниқ ва самарали ҳужумлар уюштириб турди. Ҳисобни марказдан бошланган ҳужумни чиройли зарба билан яқунлаган ҳолда 29-дақиқада Раул Мереवेश очди. Биринчи бўлим ушбу кичик ҳисоб билан яқунга етди.

Иккинчи бўлимда ишқибозлар том маънодаги «тўплар ёмғирининг» гувоҳи бўлди. 53-дақиқада португалиялик Симао Самброса аниқ тўп оширилишидан сўнг дарвозабон билан яқма-яқка чиққани



ҳолда ҳисобни оширди — 2:0. Орадан уч дақиқа ўтгач чап қанотдан бошланган ҳужумни Хуго Альмега боши билан кучли зарба бергани ҳолда ниҳоят ҳисобга етказди. Тез орада жамоа етакчиси Криштиану Роналдунинг тўп ошириши орқали Тиягу яна бир ҳужумни муваффақиятли яқунлашга муваффақ бўлди — 4:0. Қизиги шундаки, кейинги учта голни португалияликлар етти дақиқа давомида киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Шундан сўнг К.Роналду узокдан берган жуда кучли зарба дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Бироқ 87-дақиқада Роналдунинг ҳам омади қолиб, икки ҳимоячи қуршовида бўлишига қарамай, дарвоза-

Жаҳон чемпионати-2010

КУЧЛИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Кеча жаҳон чемпионатининг G ва H гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўртасида плей-офф босқичига чиқиш учун шиддатли ва сермазмун баҳслар бўлиб ўтди.

ни забт этиб, чемпионатдаги ўзининг дастлабки тўпини киритди — 6:0.

Сўнгги дақиқаларда Тиягу боши билан чиройли гол ургани ҳолда учрашувда дублга эришди ва ўйиндаги сўнгги нуқтани қўйди — 7:0.

Шундай қилиб, «ўлим гуруҳи»дан ўрин олган Португалия чемпионатдаги энг йирик ғалабага эришиб, муҳим уч очкони қўлга киритди ва жами тўрт очко жамғаргани ҳолда гуруҳда Бразилиядан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

H гуруҳидан ўрин олган Швейцария-Чили баҳси эса бирмунча кескин кечди. Бироқ бутун ўйин давомида чилиликларнинг қўллари бир оз баланд эканлиги сезилиб турди. Жумладан, биринчи бўлимда дарвозаларга чилиликлар 9

та, Швейцария терма жамоаси 3 та аниқ зарба берган бўлса-да, ҳисоб очилмади. Фақат швейцариялик ўйинчининг «Кизил картонка» олиб майдондан чиқариб юборилиши, албатта, учрашув суръатига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Ўйиннинг 75-дақиқасида чилилик Марк Гонсалес боши билан мураккаб зарба бергани ҳолда ҳисобни очди ва ушбу ягона гол Жанубий америкаликларга ғалаба келтирди. Шу тариқа 2 ўйиндан сўнг 6 очко жамғарган Чили терма жамоаси гуруҳда ягона пешқадамга айланди.

Ниҳоят дастлабки учрашувда кутилмаганда мағлубият аламини тотган Испания терма жамоаси гондурасликлар билан ўзаро баҳс юритди. Ал-

батта, чемпионатдаги энг кучли таркибга эга Испанияга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Ва ушбу вазифани испанлар муваффақиятли тарзда адо этиб, 2:0 ҳисобидаги ишончли ғалабага эришди. Бунда Испания терма жамоасининг етакчи ҳужумчиси Давид Вильянинг ҳар иккала таймда киритган биттадан голи ғалабага замин яратди. Таъкидлаш жоизки, Вилья чемпионатда дастлабки хет-трикка ҳам эришиши мумкин эди, бироқ у 62-дақиқада пенальтини аниқ амалга ошира олмади.

Ушбу гуруҳдаги плей-оффга иккинчи йўлланманинг тақдирини сўнгги турдаги Испания-Чили учрашувидан сўнг маълум бўлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Яқкасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатларига асосан УҚ «Газитранс» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини қўйиладиган:

1. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 41 372 681,85 сўм ва унинг «Trailors 383FL1A» русумли, д/р 18C210 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 36 132 673,59 сўм. 2. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18N0471 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 39 098 114,37 сўм ва унинг «Fruehauf» русумли, д/р 18C320 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 35 957 298,06 сўм. 3. «Fruehauf» русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 34 094 065,92 сўм. 4. «Камаз 5320» русумли, д/р 18AE862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 856 276,75 сўм. 5. «Камаз 53212»

русумли, д/р ва и/ч номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 037857,61 сўм.

«Шарқли мелиса» МЧЖга қарашли (Мўйноқ) жарима майдончасида сақланаётган: 6. «Камаз 53212» русумли, д/р 18S7789 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 525 892,4 сўм. 7. «ЗИЛ 130-ГБА СПГ» русумли, д/р 18N5076 бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 964 906,34 сўм.

8. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 26.06.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти ИИБ ЙХБ ЙПХ постига қарашли жарима майдончасида сақланаётган, «ВАЗ-2101» русумли, д/р 3018746 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 097 601,60 сўм.

Аукцион савдосига такроран Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Учтепа тумани судининг 24.08.2009 йилдаги ЖСК-1-523-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган «Нексия» русумли, д/р

01M859BA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 841 228 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 13 июль куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.

№17 нусxada босилди.

Қозғоқ бичими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Уйқую ланжликдан
борми ёмонроқ?
* * *

Ёшдир ё кексадир —
май ичмоқ гуноҳ.
* * *

Жавоб шундай бўлди:
«Кимки бўлса маст,
Донолар у мастдан ҳеч
нарса олмас».
* * *

Кимгаки майи ноб
келтирса андуҳ,
Майдан изламасин ҳузур
ва шуқуҳ.
* * *

Тенгдир ер қаърида
гавҳар ҳам, тош ҳам,
Унинг манфаатин
билмаса одам.
* * *

Кимки эҳтиёжин тута олса сир,
Қалбини ёмонлик
этолмас асир.
* * *

Кимки бор-йўғини ичди ва еди,
Дарди бедавога гирифтор эди.
* * *

Яхши ном қолдирсанг
дунёда, басдир,
Бу тожу бу белбоғ абад
эмасдир.
* * *

Ростгўйлик ва шафқат
бўлсин кутганинг
Ош бўлсин тоинки
топган-тутганинг.
* * *

Оқ соч — бу умрга
эмасдир шодлик.
* * *

Жаҳон ичра мудом кўнги
нақшидек,
Қолса дейман мендан
фақат яхшилик.
* * *

Кимнингки худойим
бўлмас йўлдоши,
Хору зорликдан ҳеч
чиқмагай боши.
* * *

Ёмон андишанинг таги ёмонлик.
* * *

Ёмонлик эшигин
очмоқ — ёмонлик.
* * *

Азм этинг, то ранжни
доим кам этинг,
Фамгинлар дилини
шод-беғам этинг.
* * *

Адлу озорсизлик изланг туну.
* * *

Кимнингки етарли
молу идроки,
Хирадмандга берсин
фарзандин, токи.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-нотбоа акциядорлик компанияси босмоқонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.